Financial and Economic Sustainability
FINECS ISSN-2181-1636 Vol. 2, Issue 1, Jan, 2022
https://finecs.net

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Восиқов А.Р.
Тошкент Кимё
халқаро университети

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини бошқариш механизмларини такомиллаштиришнинг долзарблиги ёритилган. Иқтисодиётда туб ислоҳотлар жараёнида инфратузилмавий ривожланиш, давлат харажатларини оптималлаштириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш масалалари тадқиқ этилган. Мавжуд илмий манбалар ва хорижий тажрибалар таҳлил қилинган ҳолда ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда юзага келадиган рисклар, молиялаштиришдаги чекловлар ва институционал муаммолар баҳоланган. Мақолада рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, шаффофликни таъминлаш ва халқаро тажрибани миллий амалиётга мослаштириш йўналишлари алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилган.*

Калит сўзлар*: давлат-хусусий шериклик, инфратузилма, молиявий рисклар, институционал бошқарув, рақамли технологиялар, инвестициялар, шаффофлик, халқаро тажриба.*

PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP PROJECT MANAGEMENT MECHANISM IMPROVEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Vasikov A.R.
Kimyo international
university in Tashkent

Abstract: *The article highlights the relevance of improving the management mechanisms of public-private partnership (PPP) projects in Uzbekistan. Within the framework of ongoing economic reforms, issues related to infrastructural development, optimization of public expenditures, and the expansion of private sector participation have been examined. Based on the analysis of existing scientific sources and international experience, risks arising in the implementation of PPP projects, financial constraints, and institutional challenges have been evaluated. The article also emphasizes the particular importance of the effective use of digital technologies, ensuring transparency, and adapting international practices to national conditions.*

Key words: *public-private partnership, infrastructure, financial risks, institutional management, digital technologies, investments, transparency, international experience.*

Кириш

Иқтисодиётда туб ислоҳотларни амалга оширишнинг жорий босқичида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларига хусусий инвестицияларни жалб этиш, инфратузилмавий соҳаларда

давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини йўлга қўйиш, инвестицион лойиҳаларни самарали бошқаришда халқаро стандартлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “инвестициявий муҳитни яхшилаш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат активларини бошқариш самарадорлигини ошириш” масалаларига алоҳида урғу берилган [1]. Шу муносабат билан мамлакатда амалга оширилаётган инфратузилмавий лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлаш, уларни молиявий ва ташкилий жиҳатдан тўғри йўналтиришда ДХШ механизмларини янада такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш жараёнида молиявий рискларни баҳолаш, инвестицион барқарорликни таъминлаш, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини прогноз қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида инфляция, валютавий ўзгаришлар, молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги каби рисклар мавжуд. Айниқса, инфляциянинг инвестицияларнинг реал қийматига таъсирини баҳолаш ҳамда лойиҳалардан олинадиган даромад даражасига таъсирини таҳлил қилиш етарлича илмий тадқиқотларни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, лойиҳаларни бошқариш жараёнида рискларни минималлаштириш, инвестицион муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда молиявий бошқарувнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар шархи

Давлат-хусусий шериклик масаласи жаҳон иқтисодий адабиётларида турли йўналишларда кенг ўрганилган. Хорижий олимларнинг тадқиқотларида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги ва рискларни бошқариш масалалари устувор аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, П.Самуэлсон ва Ж.Стиглиц иқтисодиётда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги уйғунликни иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили сифатида баҳолаган бўлса, Р.Брейли, С.Майерс ҳамда М.Кинг ДХШ лойиҳаларида молиявий рискларни тақсимлаш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайди. Г.Ходж ва К.Грив эса ижтимоий соҳаларда ДХШнинг аҳамиятини белгилаб, унинг ижтимоий хизматлар самарадорлигига таъсирини кўрсатган [2-9].

МДҲ мамлакатларида ҳам ДХШ масаласи иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида тадқиқ этилмоқда. В.Лексин давлат-хусусий шерикликнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ёритган. А.Шаститко корпоратив бошқарув ва шериклик муносабатлари орқали иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратган. Л.Вардомский давлат-хусусий шерикликнинг минтақавий ривожланишга таъсирини ўрганган бўлса, Е.Яковлева унинг ҳуқуқий асослари ва амалий татбиқ йўлларини таҳлил қилган. А. Мальгин ва И.Ивантер ДХШнинг иқтисодий барқарорлик ва инвестиция муҳитига таъсирини кўрсатиб

берган. Шунингдек, С.Авдашев ва Н.Плискевич каби олимлар инфратузилма ва транспорт соҳасидаги ДХШ лойиҳаларининг самарадорлиги ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борган. Бундан ташқари, В.Гуриев ҳамда А.Беляев [10-19] асарларида ДХШнинг молиявий моделлари ва рискларни тақсимлаш тизими чуқур таҳлил қилинган. Юқоридаги олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, давлат-хусусий шериклик муносабатлари - бу давлат органлари ва хусусий сектор ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликка асосланган, инвестициявий ресурслар, рисклар ва масъулиятларни ўзаро тақсимлаш орқали ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий-ҳуқуқий тизимдир.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётнинг трансформация жараёнларида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни самарали бошқариш ва молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий тадқиқотлар натижаларига кўра, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш механизми давлат сектори фаолиятида самарадорликни ошириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва тизимда сифат жиҳатидан туб ўзгаришлар рўй беришини таъминлайди. Шу билан бирга, ДХШ ижтимоий инфратузилмани тезкор ривожлантириш ва аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондиришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумки, давлат ихтиёрида мавжуд бўлган анъанавий молиялаштириш манбалари ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди, бу эса ДХШ механизмларидан кенг фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Бироқ амалиётда мазкур механизмни жорий этишда айрим чекловлар ва муаммолар мавжуд. Жумладан:

хусусий сектор иштирокининг чекланганлиги – йирик инфратузилмавий лойиҳаларнинг юқори риск ва мураккаблик даражаси сабабли хусусий инвесторлар баъзи ҳолларда ташаббус кўрсатишдан тийиладилар;

мулк ҳуқуқи ва самарадорлик муаммоси – инфратузилма объектларига эгалик ҳуқуқини хусусий секторга топшириш ҳар доим ҳам самарадорликнинг ошишига олиб келмайди. Бу ҳолат, асосан, бошқарув тизимларидаги ислоҳотлар, бозор иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва тармоқ даражасидаги тузилмавий янгиланишлар билан чамбарчас боғлиқ.

Шунинг учун, давлат ДХШ муносабатларида фақатгина иштирокчи эмас, балки асосий рискларни ўз зиммасига олувчи ҳамда суғурталаш механизмлари орқали уларни камайтиришдан манфаатдор томон сифатида ҳаракат қилиши керак.

Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятида рискларни тизимли равишда аниқлаш ва уларни турли мезонлар асосида таснифлаш самарали бошқарув механизмини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди:

1. Суғурталаш мезони бўйича.

Рисклар суғурталанган ва суғурталанмаган турларга ажратилади.

Суғурталанган рисклар қиймат кўринишида баҳоланиши мумкин бўлиб, уларга молиявий, моддий ёки инсон соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиш эҳтимоллари киради. Бундай ҳолатларда риск турли шаклларда намоён бўлиши мумкин:

– назоратдан ташқаридаги ҳолатлар ҳақида маълумотлар келиб тушиши эҳтимоли;

– фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш эҳтимолидан суғурталаш;

– суғурталовчи масъулияти билан боғлиқ ҳолатлар;

– кутилган ҳодиса рўй берганда суғурталаш орқали компенсацияни таъминлаш.

Суғурталанмаган рисклар эса олдиндан ҳисобга олинмайдиган ва молиявий воситалар орқали тўлиқ қопланиши амалда имконсиз бўлган ҳолатларни ўз ичига олади.

2. Давлат функциялари мезони бўйича.

Рисклар давлатнинг турли соҳадаги фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

сиёсий рисклар (сиёсий барқарорликнинг бузилиши, ташқи босимлар ва геосиёсий хавфлар);

иқтисодий рисклар (бюджет тақчиллиги, молиялаштириш манбалари чекланганлиги, инфляция ва валюталар курсининг кескин ўзгариши);

ижтимоий рисклар (ахоли эҳтиёжларини қондиришдаги узилишлар, ишсизлик, ижтимоий норозилик);

ҳарбий рисклар (миллий хавфсизликка таҳдидлар, ҳарбий тўқнашувлар эҳтимоли);

маъмурий бошқарув рисклари (бошқарувдаги самарасизлик, бюрократия ва коррупция ҳолатлари).

3. Оммалашганлик кўлами мезони бўйича.

Рисклар таъсир доирасига қараб қуйидаги турларга таснифланади:

маҳаллий рисклар (алоҳида ҳудуд ёки ташкилотга тааллуқли хавфлар);

ҳудудий рисклар (маъмурий-иқтисодий вилоятлар ёки минтақалар даражасида намоён бўлади);

миллий рисклар (бутун мамлакат миқёсида аҳамиятли хавфлар);

халқаро рисклар (бир нечта давлатлар иштирокидаги муносабатларга таъсир кўрсатадиган хавфлар);

глобал рисклар (барча давлатлар ва инсоният миқёсида таъсир этадиган хавфлар – масалан, иқлим ўзгариши ёки глобал пандемиялар).

4. Таъсир кўрсатиш имконияти мезони бўйича.

Бошқариладиган рисклар – давлатнинг сиёсат юритиши, молиявий инструментлар ёки ҳуқуқий механизмлар орқали камайтирилиши мумкин бўлган хавфлар.

Муқаррар рисклар – табиий фалокатлар, иқлим ўзгариши, глобал иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, ижтимоий зиддиятлар, пандемиялар каби олдиндан тўлиқ бартараф этиб бўлмайдиган хавфлар.

5. Тақсимланиш имконияти мезони бўйича.

Соф рисклар – тўлиқ давлат зиммасига юкланадиган, бошқа субъектлар билан тақсимланмайдиган хавфлар.

Тақсимланадиган рисклар – давлат, хусусий сектор ёки халқаро ташкилотлар ўртасида шериклик асосида тақсимланиши мумкин бўлган хавфлар.

Давлат рискларини турли мезонлар асосида тизимли тартибда аниқлаш ва таснифлаш давлат сиёсатини юритишда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай ёндашув орқали хавфларни олдиндан прогноз қилиш, уларни самарали бошқариш ҳамда рискларни давлат, хусусий сектор ва жамият ўртасида адолатли тақсимлаш имконияти пайдо бўлади.

1-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштиришга доир йўналишлар

№	Такомиллаштириш йўналишлари	Кутилаётган натижалар (амалга оширилиши керак)
1	Давлат бюджети доирасида капитал қўйилмаларни самарали йўналтириш (лойиҳалаш, қуриш ва жиҳозлаш жараёнларини ДХШ асосида амалга ошириш) амалиётини жорий этиш	Давлат харажатларини камида 20-25%гача тежаш, хусусий капитал улушини ошириш ҳисобидан бюджет юкини камайтириш таъминланиши керак
2	Айрим давлат функцияларини оптималлаштириш ва уларнинг сонини 3-4 баробаргача қисқартириш	Давлат бошқарув харажатларини 30-40%га қисқартириш, хусусий сектордан тушумлар орқали бюджетни тўлдириш таъминланиши керак
3	Хусусий сектор улушини кенгайтириш ва инфратузилмавий лойиҳаларга жалб қилиш	Хусусий инвестициялар улушини 1,5-2 баробарга ошириш, давлатнинг қарз мажбуриятларини камайтириш таъминланиши керак
4	Давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш	Давлат харажатларини қайта тақсимлаш орқали устувор соҳаларга қўшимча маблағ ажратиш имконияти яратилиши керак
5	Янги ДХШ лойиҳаларини кенгайтириш (ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси)	Қўшимча хусусий инвестициялар жалб қилиниши, давлат бюджети харажатларини босқичма-босқич қисқартириш таъминланиши керак
6	Рақамли технологияларни жорий этиш ва шаффофликни таъминлаш	Лойиҳаларда молиявий оқимлар устидан назорат кучайтирилиши, ортиқча харажатларни 15-20%га қисқартириш таъминланиши керак

Бугунги глобал иқтисодий жараёнларда давлат ресурслари ҳисобидан инфратузилмани ривожлантириш имкониятлари чекланмоқда. Шу билан бирга, аҳоли сонининг ортиши, ижтимоий хизматларга бўлган талабнинг ўсиши ва янги ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш зарурати инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришда янги ёндашувларни талаб этмоқда. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмлари самарали восита сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш нафақат давлат харажатларини қисқартириш, балки инфратузилмавий лойиҳаларнинг молиявий манбаларини диверсификация қилиш, давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда коррупция хавфларини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги ДХШ муносабатларни тадқиқ этиш асосида биз томондан мамлакатимизда, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштиришга доир қуйидаги йўналишлар ва улар бўйича кутилаётган натижаларга доир хулосалар шакллантирилди (1-жадвал). Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш мамлакатимизда инфратузилмавий тараққиёт ва иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Жадвалда кўрсатилганидек, капитал қўйилмаларни самарали йўналтириш орқали давлат харажатларини 20-25%га тежаш ва хусусий капитал улушини ошириш имконияти яратилиши керак. Шунингдек, айрим давлат функцияларини оптималлаштириш ва уларнинг сонини 3-4 баробарга қисқартириш давлат бошқарув харажатларини 30-40%га камайтиришга хизмат қилади. Хусусий сектор улушини кенгайтириш эса инвестициялар ҳажмини 1,5-2 баробарга кўпайтириш ва давлат қарз мажбуриятларини пасайтириш имконини беради. Бундан ташқари, давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш устувор соҳаларга қўшимча маблағ йўналтириш имкониятини яратади. Янги ДХШ лойиҳаларини жорий қилиш орқали хусусий инвестициялар жалб қилиниши ҳамда давлат бюджети харажатлари босқичма-босқич қисқартирилиши керак. Шу билан бирга, рақамли технологияларни жорий этиш орқали назорат кучайиб, коррупция ва ортиқча харажатлар 15-20%га қисқартирилиши таъминланиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали амалга ошириш учун рискларни кафолатлаш ва суғурталаш тизимини жорий қилиш, институционал бошқарувни кучайтириш ва рақамли ечимларни татбиқ этиш орқали мамлакатда инфратузилмавий ривожланишнинг барқарор механизми шакллантирилиши мумкин. Жумладан:

Рискларни суғурталаш ва кафолатлаш механизмларини кучайтириш. Давлат томонидан инфратузилма лойиҳаларида хусусий инвесторлар учун кафолатлар бериш, рискларни миллий ва халқаро суғурта компаниялари орқали қисман қоплаш тизимини жорий этиш зарур.

Институционал бошқарув марказини шакллантириш. ДХШ лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи, мониторинг ва баҳолашни амалга оширувчи ягона марказ ёки агентлик фаолиятини такомиллаштириш орқали самарадорликка эришиш мумкин.

Хусусий сектор учун рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиш. Солиқ имтиёзлари, божхона енгилликлари, кредит ва кафолат линиялари каби молиявий инструментларни кенгайтириш орқали хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Инфратузилма объектлари самарадорлигини таъминлаш. Хусусий секторга мулк ҳуқуқини ўтказишдан олдин лойиҳаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлигини комплекс баҳолаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Ижтимоий масъулият ва шаффофликни таъминлаш. ДХШ шартномаларида жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилувчи механизмларни жорий этиш, аҳоли иштирокини ошириш ҳамда лойиҳалар юзасидан очиқ маълумотлар базасини шакллантириш талаб этилади.

Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш. Лойиҳаларнинг молиявий оқимлари, харажатлари ва натижаларини мониторинг қилишда блокчейн, смарт-контрактлар ва геоахборот тизимлари каби рақамли ечимлардан фойдаланиш орқали шаффофликни таъминлаш.

Халқаро тажрибани миллий амалиётга татбиқ этиш. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ДХШнинг самарали моделларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш, айниқса транспорт, энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳаларида инновацион ечимларни жорий этиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Stiglitz J. Economics of the Public Sector. – New York: W.W. Norton, 2012.
3. Brealey R., Myers S. Principles of Corporate Finance. – New York: McGraw-Hill, 2015.
4. King M. Public-Private Partnerships and Risk Management. – London: Routledge, 2011.
5. Yamagata H. Infrastructure Development and PPP Models. – Tokyo: Springer, 2013.
6. Hodge G., Greve C. Public-Private Partnerships: Policy and Governance Challenges. – London: Routledge, 2007.
7. Gadassi M.M. Financing Mechanisms in PPP Projects. – Paris: OECD Publishing, 2014.
8. Schmitz F. Resource Allocation and PPP Models. – Berlin: Springer, 2016.
9. Dupré J. Legal Aspects of PPP Contracts. – Brussels: EU Press, 2012.
10. Лексин В. Государственно-частное партнерство: теория и практика. – Москва: Экономика, 2007.
11. Шаститко А. Корпоративное управление и партнерство. – Москва: ИНФРА-М, 2009.
12. Вардомский Л. Региональное развитие и государственно-частное партнерство. – Москва: Наука, 2012.
13. Яковлева Е. Правовые основы ГЧП в России. – Санкт-Петербург: Питер, 2014.
14. Мальгин А. Инвестиционная привлекательность и ГЧП. – Москва: Финансы, 2013.
15. Ивантер И. Экономическая устойчивость и партнерство. – Москва: Экономика, 2015.
16. Авдашев С. ГЧП в транспортной инфраструктуре. – Москва: Транспорт, 2011.
17. Плискевич Н. Инфраструктурные проекты и ГЧП. – Минск: БГУ, 2016.
18. Гуриев В. Финансовые модели ГЧП. – Москва: Высшая школа экономики, 2017.
19. Беляев А. Риски и распределение ответственности в ГЧП. – Москва: Юрайт, 2018.